

**“УЙ-ЖОЙНИНГ
ЯГОНА ҲАЁТИЙ
ЦИКЛИ”:**

ушбу тамойилнинг афзалиги ва
қулайликлари ҳақида...



2

**ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ВА
РАҒБАТЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИКНИ
ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**



5

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



№5

2025-yil
5-fevral, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan




ХАЛҚДАН ОЛИНГАН ТАКЛИФЛАР ҲАЁТИЙ ВА САМАРАЛИДИР

2 САХИФАДА

ҚАРИНДОШЛАР НИКОҲИ ОРТИДА ТУРГАН АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАР...

ҚАРИНДОШНИНГ ЮЗИ ИССИҚ
БҮЛАДИ, ЙЎҚ ДЕЙИШ ҚИЙИН. ЛЕКИН
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, ЯҚИНЛАРИМИЗНИНГ
ТАҚДИРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРОР
ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНДА, УЛАРНИ ЧИҚИБ
КЕТОЛМАЙДИГАН ВАЗИЯТГА ТУШИРИБ
ҚҮЙИШДАН ЭХТИЁТ БЎЛИШ ШАРТ.
ШУНДАЙ ҲОЛАТЛАР БОРКИ, ХАТОЛАРНИ
ТУЗАТИБ БЎЛМАЙДИ. ОҚИБАТДА
ЯХШИЛИК ҚИЛАМИЗ, ДЕЙМИЗ-У
ЁШЛАРНИ БИР УМРЛИК АЗОБГА ҚЎЯМИЗ.



4 САХИФАДА

**СЎЗИНГИЗ ҲАМ,
СЎРОВИНГИЗ ҲАМ
КУЧЛИ БЎЛСИН!**

Кейинги пайтларда давлат идораларида очик-ликка, жамоатчилик фикрига нисбатан қа-рашлар, депутат мурожаати, сўровига муносабат яхши томонга ўзгарди. Давлат идоралари халқга хизмат қилишда давом этишига ишонч ва тизим мустаҳамланди, халқ вакилларининг сўровига эътибор масаласида кучли прогресс шаклланди. Булар бежизга эмас, албатта. Чунки, ана шундай шароитда демократик мухит шаклланади, ижобий мулоқот кайфияти юзага келади. Аслида, халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатларга ечим топишга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг бош мъёноларидан бири ҳам одамларни тушунишга имконият яратиш, реал ҳаёт билан ҳамнафас бўлишдан иборатdir.

3



ГЕРМАНИЯ: ПАРЛАМЕНТ ВА САЙЛОВЛАР

БУНДЕСТАГ -
ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИДИР.
РЕЙХСТАГ ЭСА.
МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИДА
ЖОЙЛАШГАН ИНШООТ
БЎЛИБ, ДЕПУТАТЛАРНИНГ
ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН
ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ
БЎЙИЧА МУЗОКАРАЛАР,
МУНОЗАРАЛАР ВА ОВОЗ
БЕРИШ ЖАРАЁНИ АЙНАН
ШУ ЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

7 САХИФАДА



**МАРКАЗИЙ БАНК:
БАНК КАРТАЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ
ФИРИБГАР ЛИКЛАРНИНГ
ОЛДИ ОЛИНМОҚДА**

6 САХИФАДА

ФРАКЦИЯ МУХОКАМАСИ



**"Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсонdir".
Ха, давлат раҳбари таъкидлаганидек, депутат бу халқ хизматчиси.
Халқ ким? Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.**

Қачонки, оиласда, маҳаллада тинчлик, осойишталик ва ҳаловат бўлса, ўша жамият ҳам, мамлакат ҳам ривожланади. Халқининг иродаси, кучи esa унинг турмуш тарзи, оруз-максадларига эришини йўлидаги интилишларида намоён бўлади. Бунинг учун халқ орасидан сайланган вакиллар ўзларига билдирилган ишончни юксак минбарларда турбি оқлаши, аҳоли манфаатларини химоялаши лозим.

Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашлар ҳамда аҳоли иштирокини таъминлаш зарур. Қачонки тақлифлар куйидан олинса, шундагина улар ҳаётӣ, манбаатлар ва самарали бўлади.

Бу ҳафтада бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йигилишида қонун лойихалари ана шу нуктаи назардан кўриб чиқилди. Қуий палата мажлисида ҳам муҳокамалар айни руҳда давом этди.

ИСТЕММОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ОРТЯПТИМИ?

З юл олдин, яни, 2022 йилнинг январь ойида "Истеммолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" ги қонунга кўшичма ва ўзгартиришлар киритига билан боғлиқ қонун имзоланганди эди. Унга кўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотовчи) ҳақидаги, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот истеммолчига давлат тилида тақдим этилиши белгиланди. Мазкур маълумот кўшичма равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин экани қайд этилди.

Яна қатор кўшичма ва ўзгартиришлар борки, уларнинг барчаси истеммолчилар

хуқуқлари химоясини янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятидир. Бирок қонунчиликда янгиликларга эҳтиёж ҳосил бўлмоқда.

Кечаки Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида истеммолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга каратилган янги қонун лойихаси иккичи ўқишида моддама-мода кўриб чиқилди. Аввалроқ Ўзбекистон ХДП фракцияси йигилишида муҳокама килинган лойихага кўра, сотовчи истеммолчига шартномада кўрсатилган муддатларда товарни топшirmagan тақдирда, мажбуриятнинг баҳарилмаган қисмiga пења тўлаши назарда тутилмоқда. Бунда пења суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосидан ортиқ бўлмаслиги, пењани тўлаш шартномада мажбуриятларини бузган сотовчи товарларни етказиб бериш муддатларни кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатидаги заарни коплашдан озод этилмаслиги белгиланти.

Бундан ташқари, сотовчи товарларни истеммолчига топширишнинг кечикиши истеммолчининг айби билан содир бўлгандилгини исботласа, пења тўлашдан озод этилиши кўзда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида қонун лойихасини иккичи ўқишига тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан бир қатор йигилишлар, семинарлар ўтказилгани, уларда депутатлар томонидан берилган барча тақлифлар чукур таҳлил қилинганни қайд этилди. Асосли деб топилган тақлифлар хужжат матнида акс этирилиб, лойиха ҳар томонлами пишик-пухта ҳолатга келтиргани ва маромига етказилган таъкидланди. Бу борада фракция аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдири.

ХАЛҚДАН ОЛИНГАН ТАКЛИФЛАР ҲАЁТИЙ ВА САМАРАЛИДИР

Жумладан, Анвархон Темиров анча ташбуслар илгари сурилганига қарамасдан, амалдаги қонунларда сотувчilar томонидан жисмоний шахс бўлган истеммолчиларга товарларни келишилган муддатларда етказиб бермаганлик учун жавобгарлик ҳали ҳам мавжуд эмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, депутат Зуҳра Шодиевна сўнгай пайтлarda ижтимоий тармоқларда алдов ва фирибгарлик йўли билан фуқароларни "чув тушシリш" ҳолатлари авҳ олганлигини, истеммолчиларнинг ҳуқуқларини химоя килиш борасидан мутасадди ташкитларнинг ҳаракатга келиши секин-асталик билан кетаётганини айтиб ўтди.

Депутатларнинг айтишича, тақлиф этилётган ҳужжат аҳолининг қонуний манфатларини истеммолчли сифатидаги ҳуқуқларини химоялаш ва олди-сотди шартномасига мувофиқ сотовчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда товарларни истеммолчига топширмаслиги каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

ИНСОН ОМИЛИ ХИСОБГА ОЛИНМАГАН ИСЛОХОТ ТЕЗДА БАРБОД БЎЛАДИ

Тадбиркорликни ривожлантириш бу мамлакатни, унда истиқомат қиливчи аҳолини ривожлантириш йўлидаги мухим омиллардан саналади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда соҳада изчил ислоҳотлар олиб бориляти, қонуний ҳуқуқлар мустаҳкамланмоқда. Бўлиб ўтган палата мажлисида ҳам солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойихаси биринчи ўқишида кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади. Чунки бу орқали янги иси ўрни яратилиди, одамларнинг даромади ошади. Бу эса жамият тараққиётiga хисса қўшади. Бирок солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солиқ маъмурчиликни гидаги камчиликлар бюджет даромадлари баркарорлигини таъминлашга, ракобат мухитини ривожлантиришга салбий таъсири кўрсатмоқда. Натижада қонунчиликка кўшичмалар киритишга эҳтиёж түғимоқда.

Шундан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳаси билан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириши, солиқлар ёки йигимларни тўлашдан бўйин товлаганинг учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар акс этирилмоқда. Депутатлар судга қадар ва суд муҳокамаси давомида етказилган зарар тўлиқ қопланган тақдирда жавобгарлиқдан озод қилишга доир кўшимчани маъқуллади. Бундан ташқари, ваколатли органларнинг терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиши билан боғлиқ ваколатларини аниқлаштириши наразада тутувчи меъёр ҳам ўринни экани таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси йигилишида депутатлар асосий масала солиқлар олиши ёки ошириш эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Имомназар Турсунов бу ерда ҳар бир тадбиркорнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш орқали уларнинг қонуний фолиятига кенг имкониятлар яратиб бериш механизмларини кучайтиришга кўпроқ урпу бериш кераклигини таъкидлади. Зеро, инсон омили хисобга олинмаган ислоҳот тезда барбод бўлади", – деди Имомназар Турсунов ўз сўзи якунида.

Муҳокамалар ва фикр-мулоҳазалардан сўнг лойиҳа концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Фракция йигилишида, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги директори И.Эргашевнинг "Мева-сабзавот маҳсулотларни экспортга йўналтириш, кимёвий воситаларни (пестицидларни) рўйхатга олиш ва савдосини тартибига сошлиҳ ҳамда зарарли ҳашаротларга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" ги аҳборотини эшишиб ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар эшитивнинг зарурати ҳақидада фикр билдирадар экан, унда кўриладиган масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, озиқ-овқат ҳавфисизлигини таъминлаш, аҳоли саломатигини химоялашда мухим аҳамият касб этиши таъкидланди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мубири.**

"ҮЙ-ЖОЙНИНГ ЯГОНА ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ": ушбу тамойилнинг афзаллиги ва қулийларни ҳақида...

Биламизки, үй-жой инсоннинг энг муҳим эҳтиёжлари қаторида юқори ўрнинларда турди. Үй нафақат бир кишининг, балки бутун оиласидан хотиржамлиги, болаларнинг униб-ўзиши учун қуляй шароит дегани.

Уйимиз бўлсагина рўзгоримиз бўт, кўнглимиз хотиржам бўлади. Инсон мўйлазгина бошланда соҳиби бўлса ҳам ҳаётдан рози яшайди. Одам ўз уйидан ташқарида ҳаловат топмайди. Демак, фуқароларнинг үй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳал қилиши кечиктириб бўлмайдиган масала.

Эндилиқда Ўзбекистонда үй-жой қилишида "Ягона ҳаётӣ цикл" тамойилни жорий этилмокда. Унга кўра, 1 юйдан бошлаб қурувчилар улушдорлар маблағини факат нотариал тасдиқланган шартномалар орқали жалб қилиши мумкин. Қуриш ишларининг камидан 30 фоизи дебелоперларнинг ўз маблағи хисобидан амалга оширилиши керак.

2025 йил 27 январь куни Президентимизнинг "Үй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар кўчмас мулкларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибида солиқ механизмларини тасдиқлантириш" топширилган ўз маблағи хисобидан амалга оширилиши керак.

Таҳлилларга кўра, қурилишда улушки иштирок этишдан келиб чиқкан низолар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда Рақобатни ривожлантириш кўмитасига 1,7 мингга яқин шикояти келиб тушган ва 2025 йилга нисбатан 130 фоизга ошган. 1,3 минг одамга үй-жой қурилиши кечиккани юзасидан 16 млрд сўм пена ундириб берилган.

15,5 минг хонадонли 226 та кўп квартирали уйлар ноконун қурилиб, сотовга кўйилган. Масалан, Навоий шахрида қурилаётган кўп қаватли уйдаги 148 та хонадон ва 14 та савдо дўкони

425 кишига, яни, ҳар бири 2-3 одамга сотилган. Қирайдаги "Лимонария" худудида қишлоқ ҳуҷалиги ерига 190 та коттеж ноконун қурилиб, одамларга сотилган. Улуши иштирок этиш учун пул кириян фуқаролар шу каби ҳолатлар сабаб ҳам уйис, ҳам пулсиз қолгани кўп кузатилди.

Ана шундай ноxуш ҳолатларнинг олдини олиш максадида бир қатор янги тартиб жорий этилмокда.

Жумладан, 2025 йил 1 юйдан бошлаб қурилишга маблағ жалб қилишнинг янги механизми – "эскроу" хисобварағига депонентлаш тизимини жорий этиш тақлиф.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу тизим или бор 1970 йилларда АҚШда жорий қилинган. Кейинчалик Австрия, Италия, БАА, Чехия, Латвия каби давлатларда, 2019 йил 1 юйдан эса Россия Федерациясида ҳам тўлиқ жорий этилган.

Шунингдек, фармонга мувоғик, жорий йил 1 юйдан кўйидагилар амалга оширилади:

- объектларни қуришда курилиш-пудрат ташкитлари, девелоперлар ва буюртмачилар томонидан улушдорларнинг пул маблағларини қурилишга улуш киритиш асосида жалб қилиш факат нотариал тасдиқланган пул маблағларини қурилишга улуш киритиш асосида жалб қилиш механизми бўйича параллел рашвида тарафларнинг танловига кўра, шунингдек, маблағларни жалб қилиш 2026 йил 1 январдан фақат "эскроу" хисобварақлари орқали амалга оширилади;
- улушли шартнома бўйича маблағлар ваколатли тикорат банкida очилган "эскроу" хисобварағига уларнинг хисобини юритиши учун жойлаштирилади;
- улушли шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказишга (сотишга), улушдорнинг мероси таркибига киритишга ва гаров предмети сифатида қабул қилишга йўл кўйилади.

Улушки шартнома бўйича маблағлар ваколатли тикорат банкida очилган "эскроу" хисобварағига уларнинг хисобини юритиши учун жойлаштирилади;

"эскроу" хисобварағига уларнинг хисобини юритиши учун жойлаштирилади;

- улушдорларнинг учунчи шахслар олидаги мажбуриятларни юзасидан "эскроу" хисобварағига бўйича операцияларни тўхтатиб турши, маблағларни хатлаш ёки хисобдан чиқаришга йўл кўйилади;

- бираңчи босқичда қурувчи томонидан обьектни қуришда ишмий ҳажмининг камидан 30 фоизи ўз маблағларни хисобдан амалга оширилгандан сўнг тижорат банки томонидан лойиҳаётӣ молиялаштириш механизми орқали амалга оширилади. Қурувчиларга ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаси "эскроу"-даги маблағлар ҳажмидан келиб чиқишида бўлгандан ҳолатларни таъсири куришни таъсирилди.

- хўш, "эскроу" тизимиning асосий шартлари қандай?

Бундан ташқари, ушбу фармон асосида қурилишга маблағларни ҳолатларни таъсирилди. Қурилишни таъсиришни молиялаштириш курувчининг ўз маблағларни (бираңчи босқичда 30 %) ва банклар томонидан лойиҳаётӣ молиялаштириш механизми орқали амалга оширилади. Қурувчиларга ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаси "эскроу"-даги маблағлар ҳажмидан келиб чиқишида бўлгандан ҳолатларни таъсири

СҮЗИНГИЗ ҲАМ, СҮРОВИНГИЗ ҲАМ КУЧЛИ БЎЛСИН!



Кейинги пайтларда давлат идораларида очиқликка, жамоатчилик фикрига нисбатан қарашлар, депутат мурожаати, сўровига муносабат яхши томонга ўзгарди. Давлат идоралари халққа хизмат қилишда давом этишига ишонча тизим мустаҳамланди, халқ вакилларининг сўровига эътибор масаласида кучли прогресс шаклланди. Булар бежизга эмас, албатта. Чунки, ана шундай шароитда демократик мұхит шаклланади, ижобий муроқот кайфияти юзага келади. Аслида, халқ билан муроқот қилиш, мурожаатларга еним топишга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг бош маъноларидан бирни ҳам одамларни тушунишга имконият яратиш, реал ҳәёт билан ҳамнафас бўлишдан иборатди.

Конунчилликка кўра, депутат давлат органлари, хўжалик бошкаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиликарининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериши ёки нуқтани назарини баён этиш талаби билан сўров юборишига ҳақли. Депутат сўровига жавоб 10 кундан кечиктирмай ёзма равишда берилиши ва у кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланиши шарт.

Демакки, давлат идоралари раҳбарлари депутат юборган сўровга белгиланган муддатда жавоб йўллашга қонун олдида ҳам мажбурдир. Чунки, ҳар бир сўров ортида кўп ҳолларда инсон тақдиди ёки бўлмаса ҳудуддаги юзлаб, минглаб инсонларни қийнаётган муаммол туради. Шунинг учун муаммоларга, мурожаатларга ва депутатлик сўровига бармоқ орасидан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Келинг, гапни узоқни чўймасдан, депутат сўрови бўйича ўтган йилдаги таҳлилларга эътибор берамиз.



**Баходирхон КАМОЛОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
масъул ҳодими:**

– Албатта, депутатларга берилган ушбу қонунг қолатлар натижасида ҳойларда кўплаб масалалар самарали ҳал бўймокда. Айниқса, депутатлик сўрови институти анча жонланиб колганини кўриш мумкин.

Сайловчи маълум бир масалада депутатга мурожаат қиласди. Тўғри, мурожаатларни ҳал этиши келганда, депутатларга ҳам осон тутмаслик керак. Айниқса, мажаллий Кенгаш депутатларига. Улар ҳар куни фуқароларни қабул қиласди, депутатларга осон бўлмаган шахс томонидан муаммоларга мутасаддилар билан биргаликда

“ДЕПУТАТ СҮРОВИ – ХАЛҚ СҮРОВИ”

ечим топишга интилади.

Ўтган йилда халқ депутатлари мажаллий Кенгашлардаги депутатлар томонидан худудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишига қаратилган 2833 та депутатлик сўровлари юборилган. Шундан 2042 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, 526 маратоба жойлардаги худудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг хисоботлари ва ахборотлари эшилтиди.

Жойларда бирламчи тиббий хизмат сифатини пастлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўймокда. Соҳа бўйича қабул қилинган хужжатларнинг ҳойларда етарлича ижро килинмаётгани асосий муаммолардан бири бўлиб, бу ҳолатдан биринчи навбатда, партиямиз электорати азиат чекмоқда. Шунинг учун малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларида депутатлик назоратини кучайтириш керак.

Шунингдек, ёшларни ишга жойлаштириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви, зарур дори воситалари билан таъминлаш ишлари таҳлилий ўрганилиб, муаммолар юзасидан тегишила ташкилотларга депутатлик сўровлари тайёрланмоқда. Албатта, натижадорлик ҳам қатъий назоратга олинмоқда.



**Акмал УМАРАЛИЕВ,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгashi
раси, ҳалқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гурухи
раҳбари:**

– Одамлар билан муроқот қилиб, уларга саимий хизмат қилиш, кўлдан келганча амалий ёрдам бериши, кўллаб-куватлашга биз депутатлар бурчимиз.

Ҳеч бир одамга депутатлик мақоми шунчаки берилмайди. Унинг моҳиятини хис килган одам бу анчагина масъулиятли ва залворли эканини

“НЕГАТИВ” ЭМАС, БАЛКИ ҲАҚИҚАТ

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида кўпгин на депутатлар, партия фаоллари билан боғландик. Сўровига масъулларнинг муносабати билан қизиқдик. Мутасаддилар камдан-кам ҳолатда депутат ёки унинг қонунг ҳолатларини эътиборсиз қолдириди. Бироқ депутатлик сўровлари сон ва сифат жиҳатдан кўп эмас.

Авлало депутат ўзини ҳурмат қилиши лозим. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳалқ вакили ўз ваколатларини яхши билигини қолмай, улардан тўғри, ўз ўрнида ва вижданон фойдалана олиши зарур. Чунки ўзини ҳурмат қилган депутат зиммасидаги масъулиятни ва одамлар олдидаги бурчани яхши билади. Айнан шулар асосида ҳаракат қилиш орқали ҳеч кимнинг ёнида “юзи қора” ҳам бўлмайди, тили ҳам қисимайди. Сўзингиз ҳам, сўровингиз ҳам кучли бўлсин, ҳурматли депутатлар

Яна бир масала эса депутат сўровига жавоб бермаслиқ билан боғлиқдир. Депутат сўровига белгиланган муддатларда ёзма равишида жавоб берилиши ва у кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вактина бажараётган шахс томонидан имзоланиши шартли қонунчиликда белгиланган. Депутат сўровининг жавобини кечикириётган ёки жавоб бериши билангина чекланиб, сиёсий



яхши билади. Шу боис эл ичига киради, сайловчилар билан учрашади, уларни тинглайди, муаммоларга масъуллар эътиборини қаратади. Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чораларини кўради.

Ҳалқ вакили одамларнинг мурожаатларига асосланиб, уларда кўтарилиган масалалар бўйича тегишила органларга сўров билан чиқади. Депутатнинг ана шу биргина хати билан узок вақт давомида ечимини кутаётган масалаларга мутасаддилар ва ниҳоят эътибор қаратишади. Давлатимиз раҳбари айтган оддий одамларни рози қилиш, инсон қадри устунлиги тушунчалари ана шу қуий бўғин раҳбари, мутасаддилар кўпроқ аҳамият қиладиган масаладир.

Ўтган йилнинг деқабр ойида ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари давлат идоралари раҳбарларига 20 та депутатлик сўрови жўнатди. Уларнинг 9 таси ижобий ҳал этилди.

Албатта, масъулиятни хис қилаётган мажбуриятни унунтаётган депутатларимиз жуда кўп. Улар ўзларига берилган ваколатлардан самарали фойдалангти. Аммо депутатлик сўровига беписанд қараштаган давлат ташкилотлари, идоралари вакиллари ҳам борлигига кўз юмиб бўлмайди.

масалага бефарқ қараштаган ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

Унутмаслик керакки, депутат сенатор сўровига белгиланган вақтида жавоб берманганик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддаси билан жавобгарлик белгиланган. Үнга кўра, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулчиллик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқни муддатларини узрли сабаблариз бузиш ёхуд улар юзасидан била тури нотўғри маълумотларни қасдадан тақдим этиш – мансабдор шахсларга БХМнинг З бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сайловчи мурожаати депутатлик сўрови юборишига муҳтоҷ бўлса, депутат бунга бефарқ қарашмаслиги керак. Депутатлик сўрови қайсида мансабдорнинг иш столида назоратга олинмасдан ҳам қолиб кетиши мумкин эмас. Зотан, давлатимиз раҳбарининг бир талаби бор: «депутат сўрови ҳалқ сўрови сифатида қўрилиши шарт», «депутатга беписандлик – ҳалққа беписандлик».

Мақоламизда давлат идоралари ва ташкилотларига жўнатилган депутатлик сўровлари ҳақида кўп маълумотларни бермоқчи эдик. Сўровга жавоб бермангани мутасаддиларга қандай жарималар кўллангани ҳақида ҳам мисоллар келтириш ниятида бўлдик. Аммо уларни бир саҳифага сиддириш кийин. Шунинг учун бу ҳақида кейинги сонларимизда батафсил тўхталиши жоиз топдик.


Газетамиз саҳифаларини кузатиб боринг, бу ҳақида тўлиқ маълумотларни албатта, тақдим қиласмиз.

Хурматли депутатлар, давлат ташкилотлари тез кунларда сизнинг эшигингизни айнан депутатлик сўрови масаласида тақилятамиз...

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**ҚАРИНДОШНИНГ ЮЗИ ИССИҚ БЎЛАДИ, ЙЎҚ ДЕЙИШ ҚИЙИН.
ЛЕКИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, ЯҚИНЛАРИМИЗНИНГ ТАҚДИРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ҶАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНДА, УЛАРНИ ЧИҚИБ
КЕТОЛМАЙДИГАН ВАЗИЯТГА ТУШИРИБ ҚЎЙИШДАН ЭХТИЁТ
БЎЛИШ ШАРТ. ШУНДАЙ ҲОЛАТЛАР БОРКИ, ХАТОЛАРНИ
ТУЗАТИБ БЎЛМАЙДИ. ОҚИБАТДА ЯХШИЛИК ҚИЛАМИЗ,
ДЕЙМИЗ-У ЁШЛАРНИ БИР УМРЛИК АЗОБГА ҚЎЯМИЗ.**



ҚАРИНДОШЛАР НИКОҲИ ОРТИДА ТУРГАН АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАР...

Инсон ҳаёти давомида қабул қилади-
ган нотўғри қарорларнинг айримлари учун
нафакат ўзи, балки авлодлари ҳам товон
тұлашига түғри келиши мумкин. Яқин қа-
риндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий
оқибатлари ҳақида қанча кўп гапирилмасин,
камайгани йўқ. Бундай никоҳ қай даражада
хавфли?

Ушбу саволга жавоб излаш мақсадида
хаммизига таниш, бугунги кундаги оғриқ-
ли мавзу – яқин қариндошлар ўртасидаги
никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида гапла-
шадими.

Хўш, кимлар яқин қариндошлар хисобла-
нади ўзи?

Никоҳ қуриш инсоният наслини давом
эттирибигина қолмай, шаъни ва улуғлигини
тъминловчи, қолаверса, жамиятнинг бир
маромда булиши учун асосий восита хисоб-
ланади. Никоҳ куриши пухта ўйлаб кўриб,
унга жиддий ёндашиб керак. Зоро, оила
мустаҳкамлиги бу жамият мустаҳкамлигини
сақлаб қолувчи восита хисобланади.

Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ,

қариндошликнинг икки кўриниши, яъни,
тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлик
мавжуд. Қариндош дейилгандага бир умумий
учинчи шахсдан (аҳждоддан) келиб чиқкан
шахслар қариндошлар хисобланади.

Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бў-
йича қариндошликнинг яқинлиги қариндош-
лик даражаси, яъни, туғилиши сони билан
белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан
тўғри шажарадаги биринчи, невара босигида,
бувисига нисбатан – иккинчи, эвара катта
босигида, катта бувисига нисбатан – учинчи
даражадаги қариндош хисобланади.

Ақа-ука, опа-сингил, уларнинг болалари,
ота-онанинг ақа-ука ва опа-сингиллари
ҳамда уларнинг болалари, бобо ва буви-
ларнинг ақа-ука ҳамда опа-сингиллари ва
уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён
шажара бўйича қариндошлар хисобланади
ва хоказо.

Зоро, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва
хуласаларига кўра, бундай никоҳ номақбул-
дир. Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён
шажара бўйича қариндошлар нисбатан

яқинроқдир. Туғишига ақа-ука ва опа-сингил
қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға
ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан
қариндошликнинг – учинчи, тогавачча,
аммавачча, аммавачча ва холаваччалар эса
– тўртичинчи даражасида турадилар.

Ҳозирги кунда қариндошлар билан
янда яқин бўлиш максадида қариндош-
лар ўртасидаги никоҳ куришга интилиш
холатлари кўп кузатилмоқда. Жумладан,
Оила кодексининг 16-моддасига биноан,
насл-насл шажараси бўйича тўғри ту-
ташган қариндошлар ўртасида, туғишиган
ва ўйға ақа-укалар билан опа-сингиллар
форзандликка олингандар билан
форзандликка олингандар билан

никоҳ ўртасидаги тақиқланади.
Тўғри, Оила кодексида насл-насл ша-
жараси бўйича тўғри туташган қариндош-
лар ўртасидаги никоҳ тақиқланган бўл-
са-да, 2021 йилнинг иккинчи яримда Ўзбек-
истонда 1210 нафар қариндош бир-бири
билан оила қурган. Улардан 529 нафари
холавачча, 307 жуфт тогавачча, 178 нафари
аммавачча, 196 нафар эр-хотин эса
аммавачча. Бу борадаги энг юкори кўрсат-
кич Қашқадарё ва Сурхондарёда қайд этил-
ган – биринчисида 371 та, иккинчисида
эса 343 та қариндошлар никоҳ рўйхатга
олинган.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳ нега
мумкин эмас. Бу нимаси билан хавфли? Бу
саволларга жавоб изладик ва унинг моҳияти,
оқибатларини ўрганишга ҳаракат қўлдик.

Аслида бундай никоҳлар бугун пайдо бўл-
гани йўқ. Бу мавзу ҳаттоқи, дунё учун ҳам,
тарих учун ҳам янгилик эмас. Маълумотларга
кура, ҳозирда сайёрамиздаги 1 млрд. одам-
лар қариндош-уруглар ўртасидаги турмушни
мъаълум кўради.

Аммо шунга қарамай, сўнгги вактларда
қариндошларнинг никоҳи кўплаб мамла-
катларда долзарлар муаммо бўлиб қолмоқда.
Қариндош-уруглар никоҳига қонунан тақиқ
кўйган давлатлар ҳам бор. Бу бежиз эмас,
албатта.

Мутахассисларнинг айтишига қараганда,
бундай никоҳлар насл саломатлигига жиддий
хавф тудиради. Асосий хавф-хатарлардан
билир бу яқин қариндошлардан туғилган
болаларда ирсий қасалликларнинг кучайи-
шиди.

Олимлар томонидан олиб борилган
тадқиқотлардан маълум бўлишича, хола ва
амакиларнинг форзандларни ўз ичига олган
иккисини даражали қариндошлик никоҳида
25 фоиз ҳолатда касал болалар туғилиш
эҳтимоли бор экан. Хўш, нега қариндошлар
никоҳда форзандларнинг касаллик
билир бу яқин қариндошлар экани маълум бўлган.

Фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари,
Қашқадарёда – 26 фоиз, Сирдарёда – 13 фоиз,
Андижонда – 12 фоиз, Самарқандда – 10,3 фоиз,
Бухорода – 10,1 фоиздан иборат.
2024 йилнинг беш ойида Республика ихтисос-
лаштирилган педиатрия марказига 6660 нафар
бала ётқизилган бўлиб, неврология бўлимида даво-
ланган беморларнинг 28,9 фоизи, гастроэнтерологи-
я бўлими беморларнинг 21,5 фоизи, ЛОР бўлими
беморларнинг 34,9 фоизи ирсий-генетик қасаллик
хисобланган муковисцидоз қасаллиги билан даво-
ланган. Уларнинг ота-оналари 28,9 фоиз ҳолатда
яқин қариндошлар экани маълум бўлган.

Тиббий хавфлардан ташқари, қариндошлар ўрта-
сидаги никоҳлар жиддий ижтимоий муаммоларни кел-
тириб чиқариши мумкин. Бундай никоҳлар анъана-
га алланган жамиятларда улар ижтимоий изоляциянг
кучайишига, оиласалар ва турли ижтимоий гурухлар
 ўртасидаги низоларга олиб келиши мумкин.

Хўш, психотерапевт бу ҳақида нима дейди?

Ёқутхон ҲАМДАМОВА, шифокор-генетик:

– Ирсий қасалликларнинг кўп фоизи
қариндош-уруглар билан ота-онадан туғилган
ногиронлиги бор форзандларга тўғри кела-
ди. Чунки қариндошлар ўртасида яширип
генлар бир-бирига ўхшайди. Ба бу кейинги
авлодда юзага чиқади. Бу хавф 25 фоиздан
хаттоқи, 50 фоизгача бўлган кўрсаткини
ўз ичига олади.

Бола ўз генларнинг ярмини онадан,
қолганини эса отасидан олади. Қариндош-
лар оила қуриб, уларда яширип «қасаллик»
генлари учрашса, форзанд ирсий қасаллик
билин туғилиши мумкин. Бундай форзанд-
ларда оғир ногиронлик ва бошқа моддалар
алмашниви билан боғлиқ ақлий заифлик
билин кечадиган ирсий қасалликлар намоён
бўлади.

Шу йўнда яна бир фикрни таъкид-
ламоқчиман. Қабулимига келган айрим

инсонларга қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг хавфи ҳақида тушун-
тирасак, «бизнинг наслимизда хеч қандай ирсий қасаллик йўқ, умуман,
учрамаган» дейишади. Бу дегани хавф-хатар йўқ дегани эмас. Шундай
генлар борки, улар яширип бўлади. Ота-она фақат ташувчи бўлиши
мумкин.

Мерос бўлган генетик мутациялар жиддий қасалликларга олиб ке-
лиши мумкин, улар кўпинча даволанмайди ва ҳаёт сифатини сезизларни
даражада пасайтиради.

Жумладан, вазннинг кескин камайиб кетиши, ақлий ривожланишида
ёки жисмоний ривожланишида салбий ҳолатлар юзага келиши кузати-
лади. Шунингдек, орка мушак атрофияси, мушак дистрофияси, фенил-
кетонурия, алконтонурия, галактозимия ва липидоз сингари ген қасал-
ликларнинг келиб чиқишига айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳлар
сабаб бўлиши мумкин.

Айтайлик, жиддий тўғма нуқсонлар, умуман, ақлий ва жисмоний
ўсисидаги жиддий оқсоқлик каби 80 га яқин қасалликларнинг айнан бир-би-
рига қариндош-уруглар билан ота-оналарнинг форзандларидаги кузатилиди.

Бегоналар оила курганида эса кучли ген кучизиси генни енгади. Ке-
лин-кўёвнинг келиб чиқиши қанча бир-биридан узоқ бўлса, гетерозиг-
талашингиз тезлашиб, улардан соғлом ва бақувват форзандларнинг туғи-
лиш эҳтимоли юкори бўлади.

Қариндош билан никоҳда битта гетерозиготали мутацияга учраган ген
бу авлодда бўлмаса, кейингиларида бир-бири билан кўришади. У генлар
бир-бирига қанчалик нотаниш бўлса, уларнинг метаболизми ҳам шунч-
лик яхши бўлади.

Ростан ҳам, кундаклик турмушимизда қа-
риндошлик ришталарини янада мустаҳкам-
лайман, ўзимини тургандага бегона нимага
керак, топган-тутганим ўзимини кузати-
лади. Шунингдек, орка мушак атрофияси, мушак дистрофияси, фенил-
кетонурия, алконтонурия, галактозимия ва липидоз сингари ген қасал-
ликларнинг келиб чиқишига айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳлар
сабаб бўлиши мумкин.

Яқинда маҳалла фуқаролар йиғини ра-
ислари ўртасида социологик сўрўн ўтказил-
ган. Унга кўра, қариндошлар ўртасидаги
никоҳ курилишига сабаб бўлаётган омил-
лар ўрганилиди. Маълум бўлишича, ўтказил-
ган тадқиқотлар натижасига кўра, қарин-
дошлар ўртасида тузилган никоҳларнинг
асосий сабаблари сифатида респондент-
ларнинг 46,1 фоизи қариндошлик ришта-
ларини саклаб колиши, 43,5 фоиз иштирок-
чилар қариндошлар орасидаги яхши қизни
ва йигитни бегоналарга бермаслик, 23,6
фоизи эса оиласининг мол-мұлкни бегонага
колдирмаслик ва иктисодий манфаатдор-
лик, шунингдек, 19,7 фоизи ота-оналар-
нинг кексайландаги ўз хузур-ҳаловатларни
йўлшини таъкидлашган.

Лекин қариндошлик ришталари мустаҳ-
кам бўлсин, деган мақсадда тузилаётган

Маълумот учун:

2023 йилда ривожланиш нуқсонлари ва ирсий
қасалликлар билан туғилган болалар сони 1741
нафарни, интенсив кўрсаткич (тарқалиш кўрсатки-
чи) 1,8 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич
2023 йилда 1,8 фоиз, 2022 йилда 1,9 фоизни кўрсатгани
бўлиб, туғма нуқсон ва ирсий қасалликлар билан
туғилган болалар кўрсаткич ўзгаришиш қолмоқда.
Ривожланишида туғма нуқсони ва ирсий қасалликлар
билан туғилган болалар интенсив кўрсаткич
энг кўп худудлар Наманган вилоятида 3,3 фоиз,
Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2,5 фоиз, Тош-
кент вилоятида 2,4 фоиз ва Фарғона вилоятида 2,3
фоизни ташкил этган.

Таҳлилларга кўра, 2023 йилда туғма нуқсон ва
ирсий қасалликлар билан туғилган болаларнинг 9,7
фоизи яқин қариндошлар никоҳдан туғилган. 2021
йилда бу кўрсаткич 9,1 фоизни, 2022 йилда 8,3
фоизни ташкил этган.

Энг юкори кўрсаткич Сурхондарёда – 31,6

Зебинисо АҲМЕДОВА, психотерапевт:

– Статистика шундай маълумотлар берадики, бундай никоҳдан ногирон-
лиги бор форзандлар туғилиш эҳтимоли кучайди. Яна бир томони ёшлар
бир-бири билан чиқишина, қариндошлар узоқлашиди. Агарда шундай вази-
ялар бўлса, бу депрессия ва неврозга олиб келиши мумкин. Бу кўриниши-
да кўркув, вахима, тушкунликка тушиш, асабийлик, кайфиятнинг йўклиги,
ҳаётга қизиқишининг йўқолишида бўлиши мумкин.

Масалан, кечагина хола бўлган аёл энди ўзининг жиянига қайнона бўлди.
Энди чиройли хола ўзининг ёмон тарафларини кўрсатишни бошлайди. Қа-<



МАҲАЛЛАЛАР “ҚИЗИЛ” ТОИФАДАН ЧИҚАРИЛАДИ

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ ПЎЛАТ БОБОЖОНОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУХИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2025 ЙИЛ З ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “2025-ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАВФСИЗ МУХИТНИ ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЯНАДА ОШИРИШ БҮЙИЧА ЧОРА-ТАДБИRLАР ТҮҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ МАЗМУН-МОХИЯТИНИ ТУШУНТИРИШ ҲАМДА АМАЛИЁТГА ТАТБИК ЭТИШ МАҚСАДИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИШ ОЛИВ БОРДИ.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ички ишлар вазири Булунғур туманида бўлиб, қарор асосида ишларни ташкил этиш жараёнлари ҳамда “қизил” тоифадаги махаллаларда ҳавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиди.

Жумладан, Булунғур туманининг “Гулистан” махалласида туман сектор-

лари раҳбарлари, “маҳалла етилиги” ва бошқа масъуль ташкилотлар вакиллари иштирокида худуда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Ушбу маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириша қаратилган ишлар тўғри ташкил этилмагани, “маҳалла етилиги”, туман 3-сектор раҳбари ҳамда худудга биринчирилган масъулларнинг ишлари қониқарсиз

ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА Рағбатлантириш САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда катта ўзгариш ва янгиланишлар юзага келмоқда. Бу айниқса, давлат органлари ва уларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларда яққол намоён бўлмоқда.

Жумладан, давлат фуқаролик хизматида фаолият самарадорлигини баҳолашга оид конунчиллик асосларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Фармони, шунингдек, 2022 йилда “Давлат фуқаролик хизмати түғрисида”ги конуннинг қабул қилиниши давлат органларида ишлаш самарадорлигини яхшилашга қаратилган мухим қадамлар бўлди.

Ушбу ислоҳатлар ўз навбатida ташкилотларда кадрларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш, иш самарадорлигини баҳолаш ва ўз вазифаларни бажариша масъулиятни оширишига қаратилди.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари хусусан, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини ошириши ўта мухим масаладир. Сиёсий партиялар ахолининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатища мухим аҳамиятга эга. Уларнинг самарали ишлари, бир томондан, фаолиятнинг шахсий ишонч ва ёрдамга асосланган тизимларни яратиш, иккинчидан эса давлатнинг конунчиллик ва маъмурний ҳимоясини таъминлашга боғлиқ.

Сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлигини оширишда ходимларни рағбатлантириш тизими мухим аҳамиятга эга. Ходимларнинг меҳнати, уларнинг сиёсий ва ижтимоий соҳаларга қўшган хиссаси ва кучли ташаббуслари мукофотланishi зарур.

Рағбатлантириш механизмининг самарали ишлари учун ишончли ва шаффоғ тизимларни яратиш мухим ҳисобланади. Ҳар бир ходимнинг фа-

эканлиги натижасида маҳалла “қизил” тоифага тушив қолганлиги кескин тақиид қилинди. Маҳаллани қисқа фурсатларда “қизил” тоифадан чиқариш учун зарур чораларни кўриш бўйича топшириклар берилди.

Шунингдек, тумандаги “қизил” тоифада бўлган бошқа 7 маҳаллага ҳам раҳбарлар биринchiрилди. Кўчаларга 130 та кузатув ҳамда юзни ва авторақамларни таниб олуви 50 та видео кузатув мосламалари ўрнатиш, тумандаги мавжуд бозорлар ҳудудини тўлиқ камералар билан таъминлаш, тадбиркорлик ва савдо шоҳобчаларини кўриқловга олиш ҳамда туман ҳудудида мавжуд бўлган кўп қаватли уйларнинг кириш эшиклигига замонавий “домофон” ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида туман ҳудудида “Намунали ҳавфсиз кўча” ва “Намунали ҳавфсиз йўлак”ларни ташкил қилиш, видеокамералар ўрнатиш ҳамда вазиятни назорат қилиш юзасидан масъулларга кўшимчал топшириклар берилди.

Бундан ташкири, ишчи гурух Жомбай туманининг Зарафшон махалласида ҳам бўлиб, ушбу маҳаллани “қизил” тоифадан чиқариш режалари билан танишиди. Туман ҳокимининг “Йўл ҳаритаси” асосида маҳалла ҳудудида авторақамларни таниб оладиган 9 та ва юзни танувчи 16 та камера ўрнатиш таклиф этилди. Шунингдек, туманинг «Катта кишлек» махалласида 5 маҳаллани бирлаштирадиган ҳуқук-тартибот маскани ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Жомбай тумани тажрибаси мисолига Милий гвардия инспектор-психолог ходими томонидан Мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси масъуллари билан ҳамкорликда “Ҳавфсиз бола” мавзусида туман миқёсида амалга оширилиши режалаштирилган вазифаларнинг тақдимоти ўтказилди. Жараёнда тумандаги мавжуд 56 та умумтаълим мактабларида “Ҳавфсиз бола – ҳавфсиз мактаб” йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари юзасидан таклифлар билдирилди.

Ишчи гурухи аъзолари Самарқанд вилоятидаги шаҳар ва туманларда қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб борди.

**Тоштемир ҲУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

Ҳалар ташаббускорлиги, қўлланмалар ишлаб чиқишдаги иштироки каби хислатлар инобатга олининг баҳоланиди. Баҳоланиш натижасида уларнинг тўплаган баллари асосида маддий рағбатлантирилади.


Партия миңтақаий кенгашлари фаолияти 11 та баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади. Баҳолашда асосий ётибор партия Сайловлоди дастурини аҳоли ўртасида тушунтириш, сиёсий ислоҳотларга муносабат билдириб бориши, сайловлардаги иштироки ва натижалари, партия электорати манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳалқ депутатлари Кенгашларига масала киритиш, конунчилликни тақомиллаштириши бўйича таклифлар бериш каби харакат натижалари инобатга олинади.

Рейтинг баҳолаш натижасида “намунали”, “яхши”, “қониқарсли” ва “қониқарсиз” партия кенгашлари аниқланади ҳамда “намунали” деб топилган партия кенгашлари ходимлари маддий рағбатлантирилади.

Фаолияти “яхши” деб баҳоланганди партия кенгашлари ишини намунали қилиш ҳамда фаолияти “қониқарсли” ва “қониқарсиз” деб баҳоланганди партия кенгашлари фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинади. Уларга амалий, услубий ёрдамлар берилиб, “қониқарсли” ва “қониқарсиз” натижадагилар алоҳида назорат шаклида “намунали” даражага олиб чиқилиди.

Партияда жорий этилган бу баҳолаш ва рағбатлантириш тизими ходимларнинг ижодий фаолияти, таҳлилий фикрлаш қобилияти ва партия мақсадларига мувоғиқ ҳаракатларини жадаллаштириш, уларнинг ишга бўлган муносабатини ва масъулиятни оширишга хизмат қиласди.

**Фахриддин ЭЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ҳалқ демократик
партияси Марказий Кенгashi
Ташкилий назорат ва кадрлар
билан ишлаш бошқармаси
бошлиғи.**



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ЁШЛАР МАРКАЗИДА ЯНГИ БПТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси Қорақалпогистон Республикаси Кенгashi томонидан ёшлар билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг сиёсий билимларини ошириш мақсадида Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида “Депутат ва ёшлар” мавзусида учрашув ўтказилди.

Учрашувда Ёшлар итифоқи Қорақалпогистон Республикаси Кенгashi раиси, ҳалқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги партия гурухи аъзоси Мурат Камалов мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар ҳақида кенгаш тушунчалар берди.

Кун тартибида масалалар мухокамасидан сўнг Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясининг “Ёшлар итифоқи” бошлангич партия ташкилоти тузилида ва унинг раиси этиб Ёшлар итифоқи ҳуудий кенгashi бўйим бошлиғи Мийирбек Халмуратов сайданди.

Партия сафига янги қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғалар топширилди.



ЖИЗЗАХДА ҲАМ БПТЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Партия фояларини кенг аҳоли қатлами орасида тарғиб қилиш, партия сафини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга мухожа фуқароларга қуляй шароитлар яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш. Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси шу мақсадда жойларда тури тадбирлар ташкил этимоди.

Партиянинг Бахмал туман кенгаши раиси, депутат А. Зикиряев томонидан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида тарғибот тадбирleri ўтказилди. Мулоқотда иштирокчиларга партиянинг дастурий фоя ва максадлари тушунтирилди, унинг ташаббусларини амалга ошириш ўйлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Суҳбат давомида кўтарилиган мавзулар мухокамаси натижасида бир гурух марказида ташкил этилди. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказида ўзбекистон ҲДПнинг янги бошлангич партия ташкилоти тузилиди.

СИЁСАТДА ФАОЛ ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ



Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашида Ёшлар парламент аъзолари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари иштирокида “Сиёсатдаги ёшлар” интеллектуал турнири ўтказилди.

Турнирда Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашлари йўнга эга бўлганини кўрсатди. “Eastminester”га иккинчи, “Нимоючилар”га учинчи “Tahliiichi” жадвали турнирда ўтказилди.

Турнир давомида Әлбек Темиров ўзининг сиёсий билимдонлиги, таҳлилий ёндашви ва хозиржавоблиги билан алоҳида эжралиб турди.

Турнир давомида Әлбек Темиров ўзининг сиёсий билимдонлиги, таҳлилий ёндашви ва хозиржавоблиги билан алоҳида эжралиб турди. Натижалар Ҳалқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сирохиддин Шоназаров ва Марказий Кенгашининг Ёшлар сектори раҳбари Мухсиддин Низомиддинов голиб ва совриндорларни партиянинг эсдалил совғалари билан таҳдирлади. Иштирокчилар партия аъзолигига қабул қилинди.

ТУМАНЛАРДА САЛОМАТЛИК АКЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кувасой шаҳар кенгashi “Полмон” округидан сайланган депутат, туман Кенгашидаги Ўзбекистон ҲДП гурухи аъзоси X. Қодиров ташаббуси билан “Саломатлик акцияси” ташкил этилди.

Тиббий кўриқда чекка ҳудудларга чегарадош “Носиробот” ва “Полмон” қишлоқлари фуқаролари иштирок этди.

Тор доирадаги мутахассислар аҳоли вакилларининг саломатлигини кўздан кечириб, тиббий маслаҳат берди. Зарурати борларга эса даволаниш учун йўлланималар тақдим этилди.

**ЎзҲДП Марказий Кенгashi
Ахборот хизмати.**

МАРКАЗИЙ БАНК: БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН БОГЛИҚ ФИРИБГАРЛИК ОЛИНМОҚДА

БУГУНГИ КУНДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН БОГЛИҚ ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА, БАЛКИ БУТУН ДУНЁДА ҲАМ КЕНГ ТАРҚАЛИБ, ЖИДДИЙ ХАВОТИРЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА. АЙНИ КУНЛАРДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ ёКИ ЯҚИН ТАНИШИМИЗДАН ФАЛОЧИННИНГ БАНК КАРТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ФИРИБГАРЛАР АЛДОВ ЙЎЛИ БИЛАН ЎЗЛАШТИРИБ ОЛИВДИ, ДЕГАН ГАПЛАРНИ ЭШИТИБ ҚОЛАЯПМИЗ.

ШУ БОИСДАН, БУ СОҲАГА МАСЪУД ҲИСОБЛАНГАН МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ОЛИВ БОРАЁТГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲАМДА ТЎЛОВ ТАШКИЛОТЛАРИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИДА ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ САМАРАЛИ ИШЛАР АМАГА ОШИРАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ CERT-СВИ КИБЕРХАВФСИЗЛИК МАРКАЗИ РАҲБАРИ ОЛИМЖОН ТОЛИПОВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК.

– Фуқароларимиз осонгина фирибгарлар тузогига тушиб қолаётганинг асосий сабаби уларнинг рақамли технологиялар тақдим этадиган анонимлик ва масофадан ҳаракат қилиш имконияти ҳамда рақамли банк хизматларидан фойдаланиш бўйича кўнкимлари етарли эмаслигидир, – дейди Олимжон Толипов.

– Шу ўринда қайд этиш лозимки, фуқаролар томонидан банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари киберхужум, дея таърифланиши бошқаларни кўркувга солиб қўймоқда.

Хусусан, киберхужум – бу киберманда аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланган холда қасдан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракатидар. Яъни, киберхужумлар тиҷорат банклари ёки тўлов ташкилотлари аҳборот тизимларини ишдан чиқариша маълумотларни, жумладан, маблағларни ўғирлаш мақсадидаги тажроузкорлар (хакерлар) томонидан ташкилаштириллади. Банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) амалиётлар эса аҳборот технологияларини ўзллаган холда содир этиладиган фирибгарлик ҳаракатларини англатади. Яъни, фрод амалиётлари банк хизматлари истеъмолчилигари нисбатан амалга оширилади.

Маълумот ўринда яна шуни айтиш мумкин, 2024 йилда хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари бўйича банк сирини ташкил этувчи маълумотларни санкция асосида олиш мақсадида Марказий банкка 2 502 та мурожаат келиб тушди. Шу билан бирга, мазкур даврда Марказий банкнинг ўзига фирибгарлик ҳолатлари юзасидан жами 460 та мурожаат келиб тушган бўлиб, олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Марказий банк кўрсатмаларига асосан ноконуний ўзлаштирилган пуллар тушган банк карталарида 9,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар блокланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сонли қарорига асосан Марказий банкка тиҷорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари гибадатхона (фрод) операциялар содир этилган тақдирда банк карталари ва мобиљ иловалардаги ҳисобвақлардан фойдаланишни З кунгача вақтинча чеклаш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати берилган.

Шу ўринда банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари ҳақида қисқача тұхтабиб ўтмоқчи эдим. Айни ҳақиқат шуки, ижтимоий тармоқ ва месенжерлар фирибгарларга дунёнинг исталган нұктасидан туриб мулокот қилиш ҳамда анонимикни сақлаб қолиш каби ағзалликларни беради. Бунинг оқибатида фирибгарлар рақамли технологиялар воситасида фуқароларнинг банк картала-



ридаги маблағларни ноқонуний ўзлаштириш мақсадида бир қанча усусларни кўллашади.

Хусусан, фирибгарлар SIP технологиялари ёрдамида соҳталаштирилган телефон рақамларидан фуқароларга қўнгирик қилиб, ўзини тиҷорат банки, тўлов ташкилоти, Марказий банк ёки хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида танишиширади ва фуқароларнинг янада ишончига кириш учун унинг исм-шарифи, иш жойи, банк карта рақамларини ҳамда айтишиади. Бу каби аниқ маълумотлар фуқароларнинг ижтимоий тармоқлар ва месенжерлардаги саҳифалари ҳамда гурхулари ёки унинг мобиљ курилмасига зарарли иловаларни ўрнатиш орқали тўпланди.

Шундан сўнг, фирибгарлар фуқаронинг банк картасидаги пуллари “хавф остида” эканлигини ёки унинг номига бегоналар кредит расмийлаштирилмоқчилигини маълум қилиб, ўзининг “беминнат ёрдамини” таклиф қиласди. Бироқ, фуқарога муаммони таҳлил қилишга ёки холатни яқинлари билан маслаҳатлашиб олишига вакт көймоқда.

Сўнгра, фирибгарнинг шериги мессенжер орқали фуқарога ўзини “Марказий банкнинг хавфсизлик бўйича мутахассиси” сифатида танишишириб, уни ишонтириш учун Марказий банк рамзий белгилари туширилган соҳта гувоҳнома ва ҳужжатлар расмини юборади ҳамда кўрсатмалар беради, айрим холларда таҳдид қилишга ўтади. Мана шундай вазиятда фуқароларимиз ўзига тегишили бўлган пластик картасининг махфийлаштирилган “паролини” ҳар қандай вазиятда ҳам хеч кимга айтмаслиги лозим. Чунки, биз юқорида санаб ўтган ташкилотларнинг хеч бир ходими фуқарога бу каби мурожаат билан боғланмайди.

Шу боисдан, банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Марказий банк

томонидан бир қанча антифрод чоралари кўриб келинмоқда, хусусан:

- мобиљ курилмалар орқали овозли қўнгирик ёки видеокўнгирик амалга оширилаётгандан пайтда банк мобиљ иловаларидан фойдаланиши чекланади,
- тиҷорат банклари ва тўлов ташкилотлари мобиљ иловаларида “Рўйхатдан ўтиш” ва “Бошқа қурилмадан кириш” функциялари фақат Ўзбекистон Республикаси худудидан амалга оширилади,
- банк ва тўлов ташкилотлари мобиљ иловаларида янги рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга нисбатан иловага биринчирилган банк карталаридан фойдаланаётгандан бир соатга чекланади.

Энди жорий қилинган онлайн кредит ажратишдаги Вақтингчалик тартиб борасида қисқача тўхталиб ўтмоқчи эдим. 2024 йилда фирибгарлар ижтимоий мухандислик усусларини қўллаган ҳолда фуқароларнинг номига тиҷорат банкларининг мобиљ иловалари орқали онлайн кредитлар расмийлаштириш ҳамда банк картасига тушган кредит маблағларини P2P ўтказмалари орқали ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари кўп бор қайд этилди. Шу муносабат билан Марказий банк томонидан кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга онлайн кредит ажратиш бўйича 2024 йилнинг 1 ноябрдан – 2025 йил 1 апрелига қадар амалда бўладиган Вақтингчалик тартиб белгиланди.

Мазкур тартибида асосан фуқаролар тиҷорат банки мобиљ иловасидан янги ариза юборишда орқали ишончиликни идентифицирайдан ўтиши талаб этилади.

Кредит олиш учун ариза юборган фуқаронинг кредит тартибида борчларни маблағлар базасидан 2 босқичда: ариза тушгандан сўнг ҳамда пул маблағларига ажратилишидан олдин текширилади, яъни, скорингдан ўтказилади.

Фуқаро банк мобиљ иловасидан янги рўйхатдан ўтиб, биринчи марта онлайн кредит олган тақдирда, тушган пул маблағларига нисбатан кредит ажратилишдан борчларни ўтказмалари, электрон ҳамёнларга ўтказмалар, чет элга пул ўтказмалари, онлайн валюта айирбошлаш ҳамда телефон рақами ҳисобини тўлдириш учун сарфланшига чеклов ўрнатилади.

Ушбу чекловларни ечиш учун фуқаро 48 соат ичидаги тиҷорат банки томонидан юборилган SMS-хабарда кўрсатилган телефон рақамига қўнгирик қилиб, кредитни фирибгарлар таъсиризисиз олганлигини маълум қиласди. Банк ходими эса фуқарога қайта боғланиб, уни кўшимча тасдиқдан ўтказгач, чеклов олиб ташланади.

Юқорида қайд этилган чекловлар ажратилишдан кредит маблағларини фуқаро ўз ихтиёрига кўра нақдлаштиришига ёки товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишига таъсиризидан ўтказгач, чеклов олиб ташланади.

Кредит маблағлари фуқаронинг банк картасига ўтказилгандан кейин пул маблағлари сарфланмаган бўлса, 48 соат ичидаги кредит олишга ариза мижоз томонидан фирибгарлар таъсирида берилгани аниқлансан ёки мижоз кўшимча тасдиқдан ўтишини амалга ошириласа, кредит шарт-

номаси банк томонидан бекор қилинади ва ажратилган пул маблағлари тиҷорат банки ҳисобига қайтарилади.

Бугунги кунда келиб, вақтингчалик тартибда белгиланган талаблар доирасида 11 та тиҷорат банки ҳамда 1 та микромолия ташкилоти томонидан онлайн кредит (микроқар) ажратиш йўлга кўйилган.

Шу билан бирга, 9 та тиҷорат банки томонидан онлайн кредит ажратиш вақтингчалик тартибда мувофиқ йўлга кўйилгунга кадар мобиљ иловаси орқали ушбу хизматни кўрсатиш тўхтатилди.

Мазкур вақтингчалик тартиб жорий этилгандан бўён (2025 йил 20 января ҳолатига) кredit ташкилотлари томонидан ажратилган 285,0 миллиард сўм мидоридаги маблағлар мижоз кредит олишга аризаси фирибгарлар таъсирида бериб, 48 соат давомида кўшимча тасдиқдан ўтмаганлиги ва маблағлари сарфланмаганини олган ҳолда ҳисобига қайтарилади.

Бундан ташқари, Марказий банк карталарининг эмиссия қилиниши бўйича Вақтингчалик тартибига ҳам кўйидагича изоҳ бериди ўтмоқчи эдим. 2024 йил декабрь ойи ҳолатига кўра, жисмоний шахсларнинг қарийб 97 фоизида (22 миллионта) – 5 тагача, 3 фоизида (770 мингта) – 5-20 гача ҳамда 0,03 фоизида (7 мингта) – 20 тадан ошик банк карталари расмийлаштирилган. Шунингдек, интернет тармоғида оммалашган инвестицион лойҳалар никоби остидаги платформаларда банк карталарининг кўлланилиши ўрганилганда 67 нафар шахснинг 1 626 та банк картасидан фойдаланилаётганини аниқланган.

Шу билан бирга, ўрганишлар давомида 24 нафар шахснинг 715 та банк картаси интернет орқали фоалият кўрсатиш ўтмаган онлайн кредит “Tradezone ai”, “Consulting Control Session”, “Scode Capital” каби молиявий пирамида аломатларига эга платформаларда пул ўтказмаларини амалга ошириш учун фойдаланилаётганини маълум бўлди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш максадида Марказий банк бошқарув билан тасдиқланган Вақтингчалик тартибига кўра, 2025 йилнинг 1 январидан – 31 декабригача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча тиҷорат банклари томонидан бир нафар мижоз номига виртуал ва кобейинг карталарини инобатта олган ҳолда кўп билин жами 20 дона банк картаси, битта банкда эса 5 тагача банк картаси олиши мумкин. Ушбу талаб чет эл валютасида очилган банк карталарига татбиқ этилмайди.

Банк карталарини очиши бўйича Вақтингчалик тартиб жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад – тиҷорат банклари мобиљ иловасидан ҳолатлари томонидан эмиссия қилинган банк карталари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банк ахборот тизими билан синхронизациялаш орқали банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини бартараф этишид.

Мазкур тартиб 2025 йил 1 январдан бошлаб амал килади ҳамда жисмоний шахслар номига янги банк карталарини очишига (эмиссия қилиш) нисбатан кўлланилади. Шунингдек, Вақтингчалик тартибига бўйича ишларни самарали ташкил этиши мақсадида тиҷорат банкларига ҳар бир мижоз номига очилган банк карталари сони тўғрисидан банк мобиљ иловаси орқали Push-хабарнома ёки SMS-хабар шаклида маълумот бериси юзасидан Марказий банкнинг тегишилди кўрсатма хати юзорилган.

Бироқ, фуқаронинг банк картаси шубҳали (фрод) операцияларда ёки фирибгарлик схемаларида иштирок этилганлиги аниқланган тақдирда ушбу банк карталарига нисбатан антифрод тизимида топаётгасида чоралар кўрилади ҳамда бу ҳақда карта эгаларига хабар берилади.

Бир сўз билан айтганда, Марказий банк томонидан амалга оширилаётгандан амалий ишлар фуқароларимиз имкониятини чеклаш эмас, аксинча уларнинг топаётгасида маблағларини асрар ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олишга қаратилгандир.

**Тоштемир ҲУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мұхбири.**

“
КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН
АРИЗА ЮБОРГАН
ФУҚАРОНИНГ
КРЕДИТ ТАРИХИ
КРЕДИТ БЮРОЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАР
БАЗАСИДАН 2 БОСҚИЧДА:
АРИЗА ТУШГАНДАН СҮНГ
ҲАМДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ
АЖРАТИЛИШИДАН
ОЛДИН ТЕКШИРИЛАДИ,
ЯЪНИ, СКОРИНГДАН
ЎТКАЗИЛАДИ.



ГЕРМАНИЯ: ПАРЛАМЕНТ ВА САЙЛОВЛАР

БҮНДЕСТАГ - ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИДИР. РЕЙХСТАГ ЭСА МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИДА ЖОЙЛАШГАН ИНШООТ БÜЛИБ, ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ БÜЙИЧА МУЗОКАРАЛАР, МУНОЗАРАЛАР ВА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ АЙНАН ШУ ЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Берлин марказидаги Рейхстаг ўзига хос гумбази туфайли пойтахтнинг энг машхур диккатга сазовор жойларидан биридан. 1884-1894 йиллари Германия империяси - Рейхстаг парламенти учун бунёд этилган иншоот архитектор Пауль Валлот томонидан барокко элементларидан фойдаланган ҳолда неоренесанс услубида лойиҳалаштирилган. Мажлислар зали тегасидаги шиша ва пўлат гумбаз бинога замонавий ургу бераб, ўша даврдаги немис мухандислик тафаккури ютуқларини акс эттиради. 24 миллион Рейхмаркс сарфланган Рейхстаг қурилиши биринчи немис кайзери Вильгельм I (Wilhelm I) даврида бошланиб, унинг набираси, охири немис Кайзери ва Пруссия қироли Вильгельм II даврида якунланган. Ҳар йили Берлиндаги парламент биноларига бутун дунёдан 3 миллион сайёх ташриф буоради.

Германия парламенти - Бундестаг депутатлари эркин, яширин - тўғридан-тўғри сайловлар орқали 18 ёшга тўлган фуқаролар томонидан тўрт йиллик муддат сайланади. Бундестаг ахолисонига нисбатан дунёдаги энг кўп сонли парламент хисобланади. Бундестагнинг энг муҳим вазифалари қонунчилик қарорларини қабул килиш ва ҳукумат фаолиятини назорат килишади. Федерал Канцлер депутатлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Канцлер ҳукумат доирасида директиви ваколатларга эга, явни, мажбурий асосий сиёсат ўйналишларини белгилайди. Шунингдек, улар орасидан федерал вазирларни ва вице-Канцлерни тайинлаш ҳуқуқи бор. Бирок, аслида, маълум бир вазирликни ким бошқариши хокимият тепасига келган парламентлардан иборат коалиция музокаралари натижаларига кўра ҳал қилинади. Агар иттилоғдаги ҳукумат парчаланса, Канцлер тўрт йиллик муддат тугашидан олдин ўз лавозимидан маҳрум бўлиши мумкин. Чунки Бундестаг уни вазифасидан четратиш учун исталган вақтда овоз бериш ҳуқуқига эга. Бирок, бундай вазият юзага келган холларда, парламент бир вактнинг ўзида "конструктив ишончизлик вотуми" деб номланувчи жараён орқали унинг ўрнини эгаллаган турадиган одамни аниқлашига тўғри келади. Шунда ҳукумат бошқарувсиз колишининг олди олинади.

БҮНДЕСРАТ ТАЪСИР ДОИРАСИ

Бундесрат федерал даражадаги идора бўлиб, Германиядаги 16 та Ер ҳукуматлари манфаатларини ҳимоя қиласи. Ахолиси кўп бўлган Ерлар Бундесратда ахолиси кам бўлганларга караганда кучлироқ позицияга эга.

Федерал даражада мухолифатдаги ёки умуман Бунтестагдан жой ололмаган партиялар Ер ҳукуматлари даги иштироклари орқали федерал сиёсатга таъсир кўрсата олади. Гарчанд Германия Конституциясига биноан мамлакатда бир палатали парламент фаолият юритса-да, Бундесрат одатда (норасмий равишида) парламентнинг юкори палатаси ролини бажаради. Боиси, кўпгина федерал қонунлар ва қарорлар Бундесрат маъқуллашини талаб киласи.

ФЕДЕРАЛ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД АОССИЙ ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Карлсрудэдаги жамоатчилик орасида катта обрўга эга бўлган Федерал Конституциявий суд катта таъсирга эга. У "аоссий Қонуннинг кўриқчиси" хисобланади. Конституциявий органлар ўртасидаги юрисдикцияга боғлик низолар тўғрисида қарор қабул килиш билан бир қаторда қонунларни таҳлил қилиб, Буш қонунга мос келмайдиган жиҳатларини белгилаб бериши мумкин. Германиянинг истаган фуқароси, агар бъази қонунлар унинг аоссий ҳуқуқларини бузади, деб хисобласа, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

МУДДАТИДАН ОЛДИН САЙЛОВЛАР ВА СЎРОВЛАР

Аслида сайлов 2025 йилнинг куз фаслида ўтиши керак эди. Бирок маълум бир сабабларга кўра, Германия Бундестагига наъбатдан ташқари сайловлар жорий йилнинг 23 февралидан бўлиб ўтади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўнгги сўровлар натижаларига қараганда, Социал-демократик партия, Яшиллар ва Озод демократик партиядан иборат ҳукумат тепасида бўлган блокнинг обрўси ҳамон паст бўлиб турди.

Германия христиан демократик Иттифоқи ва Бавариядаги христиан ижтимоий Иттифоқи яъни, Марказий ўнг сиёсий партиялар блоки CDU/CSU эса аксинча, сайловчиларнинг хурматини қозонища давом этмоқда. Социал-демократлар ва "Яшиллар" учун 15 фоиз, CDU/CSU учун эса 30 фоиздан зиёд сайловчи овоз бериш ниятида эканини билдирган. Ахоли шунингдек, мухолифатдаги иккинчи йирик сиёсий куч Германия учун Альтернатива

юта ўнг партиясини қўллаб-қувватлашоқда. Партия етакчиси Алис Вайдель мамлакат Канцлери лавозимига ҳам даъвогарлик қилимокда. Бирок, асосий партиялар ултра ўнглар билан иттифоқчилик қилиш ниятида эмаслигини билдирган.

ПАРТИЯЛАР НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА?

Навбатдаги ҳукуматда иштирок этиш имкониятига эга барча партиялар инқизорни енгиги ўтишга ва иқтисодий турғунликдан олиб чиқишига вайда бермоқда. Лекин турли хил усуllibar таклиф этилмоқда.

Фридрих Мери бошчилигидаги Германия христиан демократик Иттифоқи ва Бавариядаги христиан ижтимоий Иттифоқи, яъни, Марказий ўнг сиёсий партиялар - CDU/CSU блоки йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини давлат қарзларисиз 2 фоизга чиқариши, ўрта қатлам мавқеени мустаҳкамлаш учун даромад солиги максимал ставкасининг пастки чегарасини 67 дан 80 минг еврогача ошириш, шунингдек, "яшил энергия" учун субсидияларни қисқартириш ва атом электр станциялари қурилишини қайта тиклашни илгари сурмоқда.

Амалдаги Канцлер Олаф Шольц етакчилигидаги партия социал-демократлар ташкии кредитлар хисобидан молиялаштириладиган "Германия жамғармаси" ни ташкил этиш орқали иқтисодий ўсишни тезлаштиришини тақлиф қилимокда. Иккала партия вакиллари ҳам Украинага ҳарбий ёрдамни давом этириш тарафдори.

Германия учун Альтернатива ўта ўнг партияси анъанавий оиласи қадрятлар тарафдори бўлиб, ноқонуний миграцияга қарши қурашиб бўйича қатъий ҷоралар, шу жумладан, қочқинларни ўз мамлакатларига қайтариб юбориш зарурлиги каби ташабbuslar билан чиқсан. Партия Украинага ҳарбий ёрдам беришга қарши бўлиб, Москва билан мулокотни тикиш зарур деб хисоблади.

"Яшиллар" инвестиция фондини яратиш учун давлат қарзини оширишни ёқламоқда. Маблағлар иқтисодийни модернизация қилиш ва углерод чиқинциларни камайтириш, шу билан бирга электр энергияси нархини пасайтириш учун ишлатилиши керак, деган ғояни илгари суряпти. Шунингдек, ижара нархлари устидан назоратни қутиайтириш, миграция инқизорини бартарафи этиш учун ечимларни ишлаб чиқуви эксперtlар гурухини тузишни режалаштироқда.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг Хабар тарқатишича, ҳеч бир партия мутлақ кўччилик овозни ололмайди. Бирок, Марказий ўнг сиёсий партиялар блоки - CDU/CSU ёки социал-демократлар билан коалицияни бошқариш учун барча имкониятларга эга. Таххилчиларнинг фикрича, муддатидан олдинги сайловлар ўтгач, барқарор ҳукумат кабинетини шакллантириш бўйича узок ва кийин музокаралар бошланади.

Хуршидабону НАЗАРОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

КАНАДА ВА МЕКСИКА ЖАВОБ ЧОРЛАРИНИ КЎРАДИ

Канада ва Мексика АҚШ Президентининг асосий ҳамкорларига нисбатан божхона тўловлари кескин оширилиши ҳақидаги баёнетидан сўнг жавоб чорлари пакети тайёрланётганини маълум килди.

Канада Американинг 36 штати учун энг йирик экспорт бозори, Мексика эса Штатларнинг йирик савдо шериги хисобланади. Бош вазир Жастин Трюдо мамлакат фуқароларни харид килишида "Канада товарларини танлашга" чакирди. Бир нечта провинциялар раҳбарлари эса Америка брендларини дўйонлар жавонидан бутунлай олиб ташлаши эълон қилишиди.

Расмий маълумотларга қараганда, Канада ва Мексика Шимолий Америкадаги учта мамлакатнинг интеграциялашган иқтисодига жиддий зарба бериши мумкин бўлган тақиқлови импорти тарифларирига биргаликда қарши курашишга келишиб олган.

ХЮСТОНДАН УЧГАН САМОЛЁТДА ЁНГИН ЧИКДИ



Fox 26 телеканали хабар беришича, United Airlines самолёти Хюстон аэропортида учишга хозирланётган вақтида ёниб кетган. Airbus A319 Нью-Йоркка парвоз қилиши лозим эди. Экипаж аъзолари йўловчилардан хотиржам бўлиш ва ўз жойларида қолишини сўраши билан бир каторда одамларни фавқулодда нарывонлар ёрдамида эвакуация қилган. Фуқаро авиасияси федерал агентлиги парвоз "дигиталдаги муммалар" туфайли тўхтатилганини билдирган. Мазкур холат юзасидан тергов олиб борилмоқда. Бу АҚШда бир ҳафта ичидаги содир бўлган учинчи авиация ходисасидир. 30 январ куни Bombardier CRJ700 самолёти ҳарбий вертолёт билан тўқнашиб, Вашингтондаги Рональд Рейган аэропорти яқинидаги дарёга кулаганди. Лайнернинг 64 йўловчиси ва экипаж аъзолари, шунингдек, вертолёт бортидаги уч киши ҳалок бўлган эди.

ЗИЛЗИЛА ЭХТИМОЛИ ТУФАЙЛИ МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ



Грециянинг машхур ороли яқинидаги сейсмик фаоллик қайд этилмоқда. Мутахассислар кучли зилзила рўй бериши эхтимоли борлигни айтгач, худуддаги қатор мактаблар ёпилиди. Сейсмик фаоллик Егейден гензизида Санторини ва Аморгос ороллари ўтасидек кузатилмоқда. Афина Миллий расадхонасининг Геодинамика институти маълумотларига кўра, 4,1 - 4,5 магнитудали ер ости тебранишлари рўй бермоқда. Зилзила маркази Санторини шаҳридан 36 км шимоли-шарқда, 2 км чукурида жойлашган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, зилзилалар вулканлар отилишини юзага келтиримайди. Бирок, доимий фаоллик кучлироқ силкинишларга сабаб бўлиши мумкин.

ЙИРИК АВТО ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ САВДО ҲАЖМИ ПАСАЙГАН



Toyota Motor автомобили сотиши бўйича қаторасига бешинчи маротаба дунёда етакчилигини сақлаф қолди. Гарчанд 2024 йилда компаниянинг савдоси 3,7 фоизга камайган бўлса-да, 10 миллионга 821 минг 480 та транспорт воситасини сотган. Бу эса Германиянинг Volkswagen концернини яна бор ортда колдириш имконини берди. Немис компаниясининг 2024 йилда 9,02 миллионга якин автомобили харид килинган. Бирок, ундан аввалиг ўйил билан таққослагандан сотув ҳажми 2,3 фоизга кискарсан. Кореянинг Hyundai Motor корпорацияси эса савдо ҳажми 1 фоизга камайганига қарамай, 7,23 миллион автомобилини харидорларга етказиб бераб, жаҳон рейтингининг учинчи поғонасидан жой олди.



СҮЗ – МУШТАРИЙЛАРГА!



МУТОЛАА ИНСОННИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Мутолаани севган одам учун газета ўқиши маънавий озуқа саналади. Китоб инсонга қанчалар қадрдан дўст бўлса, газета ҳам шу қадар яқин ҳамроҳдир. Мен "Ўзбекистон овози" газетасининг ҳар бир сонини кутиб ўтираман, десам ишонмаслигингиз мумкин. Лекин техника ва технологиялар ривожланиб бораётганига қарамай, газета ўқиши илмини ошириш истагида бўлган инсонларнинг ҳар кунлик одатидир. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир янгиликлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, бўлажак ўзгаришлар ҳақида маълумотлар, таҳлилий мақолалар бериб борилади – дейди газетамизнинг узоқ йиллик обуначиси Азиз Ибрагимов.



Ибрагимов Азиз Юлдашевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш аълочиси».

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни саклаш ходими».

«Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.

Обуначимиз таҳрибали кардиолог. Бугунги кунда Тиббиёт ходимларининг қасбий малакасини ривожлантириш маркази «Ички қасаликлар» кафедраси мудири вазифасида ишламоқда. Узоқ йиллик самарали фаолияти давомида кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, соғлигини мустаҳкамлашда хисса кўшган. Ўз билимлари, кўп йиллик тажрибаларини шогирдларига ҳам астойдил улашиб келмоқда. Илм ўйуни танлаган обуначимизга қатор саволлар билан мурожаат қилдик.

— Шифокор бўлишга, айнан кардиология соҳасини танлашга нима турткى бўлган?

— Болаликдан шифокорлик қасбига қизиқишим бор эди. Яқинларимнинг хасталангани ёки атрофагиларнинг ўзини ёмон хис қилаётганини кўрсан дарров уларга ёрдам килгим келарди. Эҳтимол, яқин қариндошларим шифокор бўлганлиги сабабли, соҳага эътиборим кучайиб, қизиқишим ва интилишим ошиб боргандир. Мактабни олтин медаль билан тутгатдим. Ўша йилинг ёки Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишига кирдим. З-курсадан амалиётлар бошланди. Амалий тажрибани ортириш мақсадида ўқишидан ажралмаган ҳолда дам олиш кунлари ва тунги навбатчиликка 15-шахар клиник шифохонасига тезкор кардиология ва жонлаштириш бўлимига ўрта тиббиёт ходими (мед. брат) сифатида ишга жойлашдим. Бу бўлимларда асосан юрак хасталиги билан оғриган беморлар даволанарди. Уларнинг кўпчилиги оғир ва ўта оғир ахволда тез тиббиёт ёрдам орқали олиб келинади. Шу жараёна ўз ишининг усталари бўлган шифокорлар ва ҳам ширалардан тез тиббиёт ёрдам кўрсатиш сирларини ўргандим. Кейинчалик ўқишини битирганимдан сўнг юқорида айтилган бўлиmlарда кардиолог шифокор бўлиб фаолиятим давом этирдим. Ўша даврда

врачлар малакасини ошириш институтиниң кардиология кафедрасини профессор Карим Юлдашевич Юлдашев бошқарарди. Уларга шогирд бўлдим. Шунингдек, билимдон, жонкуяр ва инсонларвир доцент ва ўқитувчиларимиз Абдували Ирмухаммедин, Иннур Шайхов, Маъсуда Султанхўжаева, Махдия Мақсумова ва Эргаш Қурбоновлар ҳам менга устоziel қилишди ва улардан кўп нарсаларни ўргандим.

— Қачон шифокорлик қасбини танлашганидан мағрурлангансиз?

— Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, 1991 йили ўзбекистондан икки ярим мингга яқин ватандошимиз ҳаж сафарига борди. Шунда мен шифокор сифатида гурухга раҳбарлик қилдим ва барча зиёратчиларнинг соғлиғидан боҳабар бўлиб турдим. Хаммага маълумки, Саудия Арабистонининг иклими бизнисидан тубдан фарқ қиласди. Ҳаж билан боғлиқ тажриба камлиги туфайли ҳамюртларимиз сафарга алоқадор қийинчиликларга тайёр эмас эди. Натижада кўпчиликнинг соғлиғи ёмонлашарди. Ўшандан кўлимидан келганча, бетоб беморларга тиббиёт ёрдам кўрсатдик. Уларнинг ахволи яхшилангач, зиёрат амалларини хурсандчилик билан адо этиб қайтишганини кўрганимда дилдан қувонар эдим.

Яна бир ҳолатни эслашни лозим топдим. 1984-1989 йилларда мен Москва шаҳридағи Бутунниттифоқ кардиология марказида клиник ординатура ва аспирантурада ўқиғанман. Ўша вактда Тошкентдан Москвага самолётда учаётганимизда кутилмагандан бир йўловчининг тоби қочди ва шифокор кидириб қолиши. Беморга биринчи тиббиёт ёрдами кўрсатдим. Аммо у 4 соатлик парвозга бардош бера олмасди. Унда юрак ишикни касаллигининг асорати ўткир миокард инфарктин ривожлангани ва шок ҳолатидагини англадим. Унга зудлик билан малақали тиббиёт стационар ёрдами зарур эди. Ушандан шу инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун экипажа раҳбари билан фикрлашиб, самолётни Қозогистондаги ҳарбий аэроромга кўндиришга қарор қилидик ва беморни тез ёрдам-«03» хизмати ходимларига топшириб, қайта учуб кетдик. Бу ҳам қалбимни ёриштирган воқеалардан

бира сифатида ёдимда қолган. Авваламбор, такдирда битилган албатта, лекин кимнингдир умри узайиши, саломатлиги тикланиши ёки мустаҳкамланишига хисса кўшиш, унга сабаби бўлиш, бу жуда бир бошқача туйгу. Сўз билан таърифлаб бера олмасам керак.

— Азиз Юлдашевич, сиз айни замда ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Қенгаши депутати ҳамсиз. Депутат сифатидаги фаолиятингиз асосий қасбингизга ҳалақат қилмайдими? Бир-бирини қандай ўйғуллаштирасиз?

— Ҳалқ депутати сифатида 15 йилдан бўён хизмат килиб келаяпман. Одамлар қачон хурсанд бўлади? Биринчи навбатда соғ-саломат юрса. Депутат сифатида ҳам асосан ўзимнинг йўналишидан келиб чиқкан ҳолда инсонларга ёрдам кўрсатганиман, бизнинг соҳамиз билан боғлиқ турли масалалар ечимида кўмаклашганиман. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган оиласар ёки ёлғиз қолган қариялар бор. Улар янги чиқкан қонун-коналар, имтиёзлардан бехабар бўлиши ёки ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги мумкин. Мана шундай ҳолатларда мен зиёди инсон, соҳа мутаҳассиси сифатида маслаҳатлар бераман, йўл-йўрик кўрсатаман. Ҳомийлар топишда ёрдамлашган вазиятлар ҳам бўлади. Умуман олганда, депутатлигим ўзим танлаган асосини касбимни янада тўлдиради.

— Тиббиёт соҳадаги ислоҳотлардан кўнглингиз тўляптими?

— Ростини айтсан, бизнинг соҳамизда жуда кўп ишлар амалга оширияпти. Тиббиётда анча илдамладик. Тўғри, баъзи ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, камчиликлар ҳам бордир. Бироқ, эришган ютуқларимиз кўп, деб ишонч билан айта оламан. Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қасалликни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим хисобланган тиббиётнинг бирламчи бўғинини тақомиллаштириш борасида самарали ишлар йўлга кўйилди. Соҳадаги ислоҳотлар биринчи навбатда олис ҳудудларда истиқомат қишлоғларни саклаш, эртанин кунига бўлган ишончни оширишга кўмаклашмоқда.

Янги таҳрирга Конституциямизнинг 48-моддасида: ҳар ким соғлиғини саклаш ва малакали тиббиёт хизматдан фойдаланини ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Чиндан ҳам Баш Қомусимиздаги мазкур норма ҳаётимизда изчил жорий этиб келинаётгани соғлиқни саклаш соҳасидаги ислоҳотларда ўз ифодасини топмокда. Бирламчи бўғинни ривожлантиришдан ташқари, нозик ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўзимизда, ҳаттоқи, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам мувaffer-фақияти ўтказилмоқда. Масалан, кардиология йўналишида янги усусларнинг ўзлаштирилиши ишемик қасалликлар билан самарали курашишда кўл келяти. Янги технологиялар ёрдамида юракдаги тож қон томирлари ҳолатини аниқлаш, тўғри баҳолаш имконига эга бўляпмиз. Унинг натижаларига биноан юрак-қон томир қасалликларини даволашнинг замонавий усуслари бўлган "стентлаш" ва "шунтлаш" операциялари ўтказилмоқда. Яъни, юрак қон томирларини кенгайтириш ёки юрак



кон томирларини кўшимча кон томирлари ёрдамида янгилаш йўлга кўйилди. Бу ютуқларимиз инсонларнинг соғлиғи, ҳаёт сифати яхшилаши, умрини узайтириша хисса кўшапти. Ҳалқимиз илгаригидек, қарз олиб, пул тўплаб, олис юртларга турли операциялар ўтказиш учун йўл олиш ташвишидан қутулади.

— Тараккӣёт даврида яшяпмиз. Турли гаджетларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин сиз газета, китоб ўқишини қанда қилмас экансиз. Бунинг сабаби нима?

— Мен сухбатимиз аввалида ҳам айтдим. Газета ўқишининг фойдаси ва аҳамиятини маънавияти бой инсонгина англай олади. Кўп ўқиган, ўрганган инсон ўқимаган ёки кам ўқийдиганлардан ҳар жиҳатдан ажралib турдиди. Биринчидан, унинг қалбига ўқиш орқали кирган зиё доим ёниб турди, унга имконият эшиклари бирма-бир очилиб бораверади. Иккинчидан, тўғри, ҳозир деярли ҳар бир одамнинг кўлида телефон бор. Ҳар куни телефонга термулиб ўтириш оқибатида ҳозирги кунда жуда кўплаб фуқароларимизда кўриш қобилияти сусайётгани учрамоқда. Интернет керак кераксиз маълумот, материал, хабарларга тўлиб кетган. Натижада инсонларнинг онгидаги ортиқча маълумотлар базаси тўплланган. Кўз нури кетишидан ташқари, мана шу ортиқча, кераксиз хабарлар, қисқа видеоларни кўриш орқали айниқса, аксарият ёшларнинг умри бесамар ўтаётганига ачинаман. Интернетдан, янги технологиядан унумли, ўз вақтида, ўрнида, керагида фойдаланиб ютуқларга эришаётган ёшларимиз ҳам борлигини тан оламан, албатта. Лекин ҳеч бирит китоблар, журнallар ва газета ўрнини боса олмайди. Мутолаа қилмас одам бир жойда котиб қолади ва савиаси тушиб бораверади. Шу билан бирга юртимизда олиб бориляётган ислоҳотлар, янгиликлар, чет мамлакатлардаги янгиликлардан ҳабардор бўлиш учун мунтазам ўқиб борамиз. Ҳар бир дарсга олдиндан, замон талабларига мос ҳолатда ва ҳозирги кундаги ўзгаришларнинг барчасини иnobatga олган ҳолда пухта тайёрланамиз. Бу эса ўз устимизда мунтазам ишлаш, ҳар куни газета, китоблар ва тиббиёт адабиётларни ўқишимизни тақозо этади.

**Хуршидабону НАЗАРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбари.**



ДИҚКАТ, ТОПИЛМА!



300 ЙИЛЛИК НОЁБ КЎЗА

Қадим Сурхон воҳаси ўз санъати, маданияти билан дунёда машҳур. Минг йиллардан сўзлагувчи осори-атиқалар, ноёб топилмалар, ажойиб минара-ю обидалар курраи-замин ҳалқларини лол қолдирмоқда.

Денон туманидаги Саид Оталик мадрасаси ҳам ана шундай бебаҳо ёдгорликлардан бирни хисобланади. Бетакор мажмоя XVI асрда уста Мамат Бухорий раҳбарлигida барпо қилинган. Иккى қаватли ин-

шоот рўпарасида ўтмишда кичикроқ мадраса (хонақоҳ) бўлган. Собиқ тоталитар тузум даврида у бузиг ташланади ва ўрнида хунармандлик маркази фаолияти ўйла кўйилади. Утган асрнинг 20-йилларидан кейин эса "Бободеҳон" бозорига асос солинган.

Айни пайтда собиқ бозор худудига кенг кўламили қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ана шу жараёнларда курувчилар қадимий кўзага куч келишиди.

— Ўзига хос янгиликдан

хурсандмиз, – дейди Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг тарих-фалсафа кафедраси мудири Дилором Якубова. – Дастанлаби ўрганишларда кулолчилик буюми XVI-XVII асрларга оид эканлиги аниқланди. Бу – 280-300 йил, деганидир.

Кўзанинг юза кисмiga араб имлосидаги сўзлар битилганини aloҳida таъқидламоқиман. Ўнга яқин ўйма чизик тортилган. Баландлиги – 30, сирт айланаси (корин кисми) қарийб 75 сан-

тиметр экан. Қабариқ юзаси – 9 сантиметрни ташкил қилган бўлса, тагдони (таг қисми) 13 сантиметрдан ортиқ. Гардишига (огиз қисми) бироз дарз кетган, балдоги (ушлаги қисми) тушиб қолган. Ундан сув ташиш ёки суюқлик саклашда фойдаланилган бўлиши мумкин.

Бундай ноёб дурданаларнинг топилётгани Сурхондарё инсоният тамаддунида ўзига хос ўрин тутган заминлигидан далолат беради. Шу билан бир қатorda, маконнинг усти ҳам, ости ҳам ҳали кашф этилмаган сир-у синоатга бой эканлигининг ёрқин намунаси ҳамдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози"
мухбари.**



MUASSIS:

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV